

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг тақлифи билан 29 январь кунини расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Анқара шаҳридаги “Эсенбога” халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған ва рафиқаси кутиб олди.

Икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Давлат раҳбарлари ва биринчи хонимлар қисқа учрашув ўтказдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Туркия Республикаси Президентининг Анқара шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған кутиб олди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қўтладилар.

Анқара шаҳридаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бутун мусулмон уммати учун

муқаддас Рамазон ойи кириб келаётгани билан бир-бирларини самимий табриқладилар.

Ўзбекистон – Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Барча даражалардаги юқори суръат ва фаол мулоқотлар мамнуният билан қайд этилди. Томонлар яқинда бўлиб ўтган стратегик режалаштириш гуруҳининг “4+4” форматидаги учрашувининг самарали натижаларини олқишладилар.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновларнинг сони изчил ўсиб бормоқда. Мунтазам равишда қўшма маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳимоя ва бошқа устувор йўналишларда лойиҳа ва дастурларни илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида, кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлаштирувни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Томонлар мазкур йиғилиш муборак Рамазон ойи ҳамда икки мамлакат ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганига 30 йил тўлиши арафасида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидладилар.

Сиёсий мулоқот жадал ривожлана-

ётгани, халқаро масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ўхшаш экани мамнуният билан қайд этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Парламентлараро алоқалар, жумладан, дўстлик гуруҳлар доирасида фаоллашди.

Ўзаро савдо ҳажми, шунингдек, Туркиянинг етакчи компаниялари билан қўшма корхона ва лойиҳаларнинг сони изчил равишда ўсиб бормоқда.

Келгуси йилларда товар айирбошлаш ҳажминини, жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимдаги товарлар рўйхатини кенгайтириш орқали 5 миллиард долларга етказиш вазифаси белгилаб олинди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида алоҳида дастур асосида амалга оширилиши назарда тутилган саноат кооперациясининг янги устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорликнинг улкан салоҳияти қайд этилди. Йил охирига қадар Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан делегациялар ҳамкор ҳудудлар билан лойиҳалар соҳаларида ишлаб чиқиш мақсадида Туркияга ташриф буюради.

Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш ва тиббий туризм соҳаларида Туркиянинг илғор тажрибасини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Туризм йўналишида алоқаларни ривожлантириш, театр фестиваллари ва маданият ҳафталикларини ўтказиш, тарихий фильмларни биргаликда ишлаб чиқариш, маданий мерос объектларини ҳамкорликда тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида шу йил

бахорда Бухорода тўртинчи Ректорлар форумини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, Қўшма ҳукуматлараро комиссия ҳамраисларининг кўп қиррали ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунида икки давлат ҳукуматларига қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш топширилди.

Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғанга Ўзбекистонга ташриф билан келишни тақлиф қилди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Қўшма баёнот ҳамда Кенг қамровли стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги қарорни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан:

- соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳарбий тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик тўғрисида;
- кончилик саноатида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида;
- халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида;
- махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- ядро хавфсизлиги, жисман ҳимоя қилиш, кафолатлар ва радиацион ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви тўғрисида;
- миграцияга кўмаклашиш ва фуқароларни ўз мамлакатига қайтариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

(Давоми 2-бетда) ►



ЯНГИ ҚОНУН:

МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу ўринда “Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳақида сўз бормоқда. Ушбу қонун Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялли мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган.



Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Маълумки, Президентимиз томонидан 2025 йил 3 январда қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорли-

гини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда асосий урғу жиноятларни жиловлалашга кўмаклашувчи муҳим инфраструктурани шакллантиришга қаратилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Муносабат

Доимий огоҳлик ва жамиятда бирдамлик – МУҲИМ ОМИЛЛАР

Кеча Президентимиз раислигида видеоселектор йиғилишида қўрилган масалалар бугун нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўп қисми мамлакатлари учун ҳам долзарбдир. Бу ўринда, хусусан, кибержиноятчилик, гўёҳандлик ва уюшган жиноятчилик ҳақида сўз бормоқда. Ушбу иллатлар давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид қилиши билан янада хавфли ҳисобланади.




Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси аъзоси

(Давоми 2-бетда) ►



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон
халқ ёзувчиси



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонда) — Чап томондаги шиш — Стома атрофи гулдас- та, — деди бўлим бошлиғи профессор В.В.Шентал. — Муродхўжаев телефонда менга айтган эди. Тўғри чиқди. Процесс иккала томонда бор. Аммо ичкарига ўтмаган.

(Давоми 4-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи, давлат фуқаролик хизмати тизимини такомиллаштиришга, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тартибга солишга, бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти



Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимояси йўлида

Мажлисида дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. (Давоми 3-бетда) ►

Турмуш чорраҳаларида

Ота фарзандларини тарбиясига ололмади, ЧУНК И ...

Юртимизда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб улғайишлари учун гамхўрлик кўрсатиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш миллий қонунчилигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Беғона шахсларгина эмас, ҳатто боланинг ота-онаси ҳам ўз фарзандига нисбатан у ёки бу шаклда зўравонлик қилиши, руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар содир этиши мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

Мурожаатнома – юксак стратегик мақсад, қатъий масъулият ифодаси

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади сифатида белгиланган – ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, замонавий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини белгилаб берган давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрда Парламентга ва у орқали халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси бугунги кунга кенг жамоатчилик ҳамда нуфузли халқаро экспертларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз мурожаатномасида алоҳида қайд мизнинг бу сафарги мурожаатномасида алоҳида қайд этилганидек, бутун инсоният

кутилмаган кулфат ва талафотлар, ўта оғир синов ва қийинчиликларни бошидан кечириётган мураккаб геосиёсий вазиятда “содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали” бир замонда яшамоқдамиз.

(Давоми 2-бетда) ►

Ноҳақ айбланган инспектор 15 йилдан сўнг оқланди



Мамлакатимиз судлари томонидан 2025 йилда 422 нафар шахс оқлангани судьялар мустақил қарор қабул қилаётганидан далолатдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2026 йил 27 январь кунини Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасида давлат ҳамда жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳ-

дид қилаётган уюшган жиноятчилик, наркотиқчилик, кибержиноятлар ва яширин иқтисодиёт бўйича таъсирчан чораларни белгилаш юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида судьяларнинг хизматини ана шундай эътироф этди.

(Давоми 3-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

– Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси ва Туркия Дин ишлари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар;

– Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

– Ўзбекистон Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ва Туркия Олий таълим кенгаши ўртасида баённома; – Маданият соҳасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган Анқара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши якунлари юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида туркиялик ҳамкасбига кўрсатилган меҳмондўстлик ва кенгаш доирасидаги самарали музокаралар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда Туркия барча соҳаларда улкан ютуқларга эришаётгани ва нафақат мусулмон дунёсида, балки глобал миқёсда ҳам ҳақли равишда юксак ҳурмат-этибор қозонгани алоҳида таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – Туркия дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард доллардан, қўшма корхоналарнинг сони эса 2,2 мингтадан ошди, ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми қарийб 10 миллиард долларни ташкил этди.

Икки мамлакат ўртасида ҳафтасига 100 га яқин авиакатнов амалга оширилмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида 9 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Кенгаш йиғилишларини мунтазам равишда ўтказиш, Ҳукуматлараро комиссия ва Стратегик режалаштириш гуруҳи механизмларидан самарали фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилади.

Етакчилар савдо ҳажмини, шу жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар турини кенгайтириш, устувор иқтисодий тармоқларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш орқали 5 миллиард долларга етказишга қўлбўйиб олдилар.

Шунингдек, маданий ва гуманитар алмашиувларни янада кенгайтиришга, хусусан, биргаликда театр ва кино ҳафталиклари, бадиий кўргазмаларни ўтказиш ҳамда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кенгаш йиғилиши якунларидан келиб чиқиб, икки

мамлакат ҳукуматлари томонидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кенг қамровли “йўл харитаси” қабул қилиниши таъкидланди.

Анқара шаҳрига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган Ҳатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” турар жой мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Тадбирда давлатимиз раҳбари уч йил олдин содир бўлган вайронкор зилзила қардош турк халқи учун оғир синов бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон ушбу фожияли даврнинг дастлабки кунлариданоқ Туркияга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади.

Қисқа фурсатда 100 нафар ўзбекистонлик қутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган ҳудудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, 200 нафарга яқин жабрланганлар вайроналар остидан чиқарилди. Дала шифохонаси 4 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатди.

Президент Режеп Таййип Эрдоган ташаббуси билан зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг қўламли дастурлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунга қадар мамлакатда 455 мингдан ортиқ уй-жой қурилди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, қисқа муддатларда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 300 дан зиёд тўлиқ жиҳозланган хонадон, жами 24 та кўп қаватли уйдан иборат барча зарур инфратузилмага эга замонавий турар жой мажмуасини барпо этди.

Туркия Президенти ушбу мажмуа нафақат жабрланган оилалар учун янги уй, балки ўзбек ва турк халқлари ўртақсидаги абадий дўстликнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Етакчилар лойиҳани амалга оширишда иштирок этган қурувчилар, муҳандислар, ишчилар ва барча ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлат раҳбарлари янги хонадонлар қалитларини уларнинг эгаларига тантанали равишда топширдилар.

Шунингдек, Президентлар Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб бердилар. Мазкур даргоҳ Ўзбекистоннинг хориждаги биринчи таълим муассасаси бўлади.

Янги ўқув маскани Туркияда яшовчи ўзбек оилаларининг фарзандларига ўз она тилида таълим олиши билан бирга миллий қадриятлар, маданият ва аъноларни сақлаб қолиш имконини беради.

Томонлар ушбу мактаб икки қардош халқ ўртасидаги ришталар янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилиши, ёш авлод учун муҳим таълим ва тарбия марказига айланишига ишонч билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи якунланди.

ЎЗА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энди бевосита ҳуқуқшунослик касбимдан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, ушбу муҳим органи ташкилий-институционал тартибда тубдан такомиллаштириш, янги жамиятдаги шиддатли ислохотлар талабларига мослаштириш мамлакатимиздаги ҳуқуқий сиёсатнинг энг устувор йўналишига айланганлигини алоҳида таъкидламоқчи-ман. Эътибор қилинг, биригина одил судлов фаолиятини тўлақонли амалга ошириш мақсадида, кейинги 9 йилда 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, унинг ижросини самарали таъминлаш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 26 декабрда йўлланган навбатдаги Мурожаатномада ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш вазифаси белгиланди.

Бунда асосий ёндашув суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, хусусан, одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этиши янада такомиллаштириш, эндиликдаги вазифа терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, айниқса, жиноят ҳақидаги аризонани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишга бўлган босқичларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали инсон омилини қисқартириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муносабат

Доимий огоҳлик ва жамиятда бирдамлик – муҳим омиллар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг кибержиноятчилик, наркотиқсозлик, уюшган жиноятчилик ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш соҳасида билдирган танқидий фикрлари тизимдаги жиддий камчиликларни очиб кўрсатиб берди. Жумладан, ўтган йили пойтахтимида кибержиноятлар сони 16 мингтадан ошган.

Бунда фуқароларга қарийб 2 триллион сўм моддий зарар етказилган. Бироқ ушбу жиноятларни фош этиш даражаси 8 фоизни ҳам ташкил этмаяпти.

Шунинг учун ҳам, айна йўналишда тизимли ислохотлар ва кескин чоралар кўрилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Жиноятчилар банк тизимидаги бўшлиқлар, аҳолининг ишончсизлиги ва рақамли саводхонлигининг етарли эмаслигидан фойдаланаётгани

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Акс ҳолда, вазият оғир феъл-атворли ота-оналар ўз фарзандига эгаллик ҳам қилолмайдиган ҳолатга етиб келиши эҳтимоли ортади. Бу фикрни фуқаролик ишлари бўйича Кўргонтепа туманлараро судида кўриб чиқилган ҳолат – болани ўз тарбиясига олишга доир даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аниқроқ айтганда, Жамшид Эрматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга қайнонаси Хосиятхон Собировага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 13 ёшли Икромжон ҳамда 10 яшар Мубиноҳон исмли фарзандларини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган. Суд мажлисида Ж.Эрматов турмуш

Жамиятимиз мақсади

Мурожаатнома – юксак стратегик мақсад, қатъий масъулият ифодаси

Мурожаатномада адолатли суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган энг муҳим ғоя ва ташаббуслардан яна бири – 2026 йилдан бошлаб, тергов судьяларига санкция ва мажбурият чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатларини бериш масаласи бўлди.

Маълумки, 2025 йил 1 январдан мамлакатимизда жиноят ишини судга қадар юритишда тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда ҳолислик ҳамда беғадидда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозими жорий этилди.

Айтиш керакки, суд тизимида нисбатан янги институт – тергов судьясининг вужудга келиши одил судловни амалга оширишнинг ниҳоятда муҳим омилларидан бири ҳисобланадиган суд назоратининг самарали амалга оширилиши, инчунин, ишни судга қадар юритишда ҳақиқий ва қонуний тортишув муҳитини яратиш имкониятини янада оширди. Сабаби, айнан химоячининг илтимосномасини ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмаслиги туфайли кучлар мувозанати яратилмади. Бу эса, жиноят процессида химоячи мавқеининг янада ошишига, унинг ишбиландиш жараёнида қатнашиш ҳуқуқи таъминланишига амалий таъсир кўрсатади. Ишончли далилларни топиш

ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга ушбу ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини кафолатлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, Мурожаатномада суд процессида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган тергов судьясига қўшимча ваколатлар бериш билан унинг фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланмоқда.

Эндиликда тергов судьяси ўзи рухсат берган қамоққа олиш, уй қамоғи ёки гаров эҳтиёт чорасини ўзи ўзгартириши, қонуний деб топса, уни бекор қилиши мумкин. Шунингдек, айбланувчига нисбатан қўлланилган па-спорт ҳаракатини чеклаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқишни тақиқлаш, мол-мулкни хатлаш ёки телефонлар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 26 декабрда йўлланган навбатдаги Мурожаатномада ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттириш вазифаси белгиланди.

ташвиш билан қайд этилди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида пойтахтимида 4 мингдан ортиқ наркотиқ жиноят қайд этилган. Қолаверса, 112 та уюшган жиноий гуруҳ томонидан 1

хавfli ва долзарб эканлигига яққол мисол бўла олади. Айни чоғда, бу масалада фақат ижрога таяниш етарли эмас.

Бундай иллатларга қарши кура-

минг 300 дан зиёд жиноят содир этилган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, жамият хавфсизлиги учун жиддий таҳдиддир.

Айрим айбдор шахсларнинг жазони тўлиқ ўтамасдан озодликка чиқиши туфайли такрорий жиноятлар содир этилиши кескин кўпайган. Шу биргина омил ҳам, ҳолатнинг қай даражада

ўртоғи 9 йил аввал хасталикдан вафот этгани, уч ой илгари болалари бувисининг уйига кетиб қолгани, эндиликда эса, қайнонаси уларни отаси билан бирга яшашига рухсат бермаётганлигини таъкидлаган.


Аниқланишича, кунларнинг бирида тушлик вақтида Икромжон ўғай онасининг топшириги билан идишларни тоза ювмагани учун отаси унга танбех беради. Мулоқот жараёнида ота ўз ўғлининг кўкрак қисмига туртиб, идишларни қайтадан тоза ювишни буюради. Шу воқеанинг эртасига Икромжон синглиси Мубиноҳонга олиб, “мактабга кетаяпмиз” деб уйдан чиқади.

Хўш, суд қандай тўхтама қелди? Бу саволга жавоб беришдан аввал айна мавзудаги халқаро ва миллий қонунчиликка қисқача тўхталсак.

лигини, бувиси билан бирга яшамоқчи эканлигини маълум қилади. Ўз навбатида, Хосиятхон Собирова куёвига набираларига нисбатан мунтазам равишда салбий муносабатда бўлаётгани учун уларни бермаслигини таъкидлайди.

Бу орада Жамшид Эрматов қайнонаси фарзандларини қайтармаётганлиги юзасидан туман ички ишлар бўлимига мурожаат этади. Бироқ мурожаат ҳосил бўлмади: ички ишлар бўлими жиноят иши кўзга ташланган ҳолда қарор қабул қилади. Шундан сўнг судлашишга жазм қилади.

Хўш, суд қандай тўхтама қелди? Бу саволга жавоб беришдан аввал айна мавзудаги халқаро ва миллий қонунчиликка қисқача тўхталсак.



эшитиб туриш каби процессуал мажбурият чораларини ҳам бекор қилиши мумкин. Шунингдек, Мурожаатномада Президентимиз томонидан айна пайтгача миллий суд тизимимизда мавжуд бўлмаган янги бир институтни татбиқ этиш ғояси илгари сурилди. Яъни “энди жиноят процессига инглиз ҳуқуқидаги давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари ҳайъати” институти босқичма-босқич жорий этилади. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокда кўриб чиқиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади”.

Гап шундаки, суд тизимида “халқ вакиллари ҳайъати” институтининг жорий этилиши, биринчидан, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти шароитида судда энг муҳим демократик институтлардан бири шаклланишига эришилади; иккинчидан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунинг барида, жамият манфаатларини суд органлари орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлаш имконияти орттиришга олиб келади; учинчидан, давлат органларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жа-

моатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазибалар ва функцияларни бажариши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини кенгайтиради; тўртинчидан, суд тизимида манфаатлар тўқнашуви (коррупция) ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уни таҳлил қилиш, бу иллатга қарши самарали курашиш ва унинг олдини олиш механизмлари такомиллаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларни давом эттиришга қаратилган ғоя ва ташаббуслар мантиқий изчиликка асосланлиги ва бир-бирини тўлдириб бораётганлиги яққол кўриниб туради. Зеро, уларнинг туб негизидан инсон, унинг манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари инсонпарвар ва адолатпарвар ғоялар мужассам. Ушбу ғояларнинг ҳаётий ижросини таъминлаш кўп сонли ҳуқуқшунос кадрлар, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг судьялар корпусига, суд тизими ходимларига зиммасига жуда катта масъулият ва юксак вазифалар юклатилиши алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ахмад ИСМОИЛОВ, “Шухрат” медали соҳиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Шу билан бирга, Президент Администрацияси томонидан сўнгги йилларда қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижа бера бошлагани ижобий ҳолат сифатида қайд этилгани бежиз эмас. Ўтган қисқа даврда, яъни янги тизим йўлга қўйилганидан буён ўтган уч ойда 50 га яқин йирик наркогуруҳ қўлга олинган ва катта миқдордаги наркотик моддалар муомаладан чиқарилган – буларнинг барчаси тўғри ёндашув ва қатъий назорат самарасидир.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилган рақамлар, танқид остига олинган камчиликлар ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашиш — вақтинчалик кампания эмас, балки доимий, тизимли ва принципиал масала эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди. Бу йўлда барча масъуллардан аниқ натижа ва шахсий жавобгарлик талаб этилади.

Янада муҳими, ҳар бир фуқаро доимо огоҳ бўлса ҳамда жамиятимизда аҳиллик ва бирдамликни биргаликда кучайтирсак, ўшанда ҳар қандай таҳдиду хатарларга муносива тўсиқ қўя оламиз.

Турмуш чорраҳаларида

Ота фарзандларини

Мамлакатимиз 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 9-моддасига кўра, иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайди-лар, ваколатли органлар суд қарорига кўра, қўлланилган қонун ва тартиб-таомилларга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарурлигини аниқлаган ҳолатлар бундан мустасно.

Бундай ажрим, масалан, ота-оналар болага шафқатсиз муносабатда бўлган ёки

у тўғрисида ғамхўрлик қилмаган ёхуд ота-оналар алоҳида яшаётган ва боланинг яшаш қоилага нисбатан қарор қабул қилиши керак бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

Мазкур конвенциянинг 27-моддасида иштирокчи давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланиши учун зарур турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этиши белгиланган.

Оила кодексининг 73-моддасига кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул бўлган барча идоралар олдига муҳим вазифалар қўйилди ва асосий куч-воситалар айнан шу мақсад учун сафарбар этилди.

Қарор ижроси мутасадди ташкилотлар, айниқса, Сенат томонидан алоҳида назорат қилиб борилмоқда. Хусусан, Сенат бошчилигида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ушбу қарорнинг бажарилиши ҳамда 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий реңгаши йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижроси бўйича барча ҳудудларда ўрганишлар ўтказиб келинмоқда.

Ушбу янги қонун ҳам ушбу ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, Сенат бошчилигида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари юртимизнинг криминоген вазияти оғир маҳаллаларига чиққан ҳолда, ҳар бир содир этилган жиноятнинг сабаб ва омилини аниқлашга ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, Сенат бошчилигида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари юртимизнинг криминоген вазияти оғир маҳаллаларига чиққан ҳолда, ҳар бир содир этилган жиноятнинг сабаб ва омилини аниқлашга ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Айни жараёнда маҳалла профилактика инспекторлари ва аҳолини қийнаб келаётган бир қатор муаммолар янада ойдинлашди. Хусусан, биринчидан, маҳаллаларда шахсга нисбатан етказилаётган тан жароҳати билан боғлиқ ҳамда оғир оқибатли жиноятлар содир этилишига асосан совуқ қуролдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Амалдаги қонунчиликда жазо чораси қўлланилганидан сўнг бир йил давомида такроран соғуқ қурол олиб юрганлик учун жавобгарлик мавжуд эмаслиги ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўрганиш натижаларига кўра, 2024 йилда республикамиз бўйича 31 минг 612 нафар, 2025 йилнинг 9 ойида эса, 29 минг 471 нафар шахс совуқ қурол олиб юрганлиги учун маъмурий жа-

вобгарликка тортилган. Мазкур даврда ўткир тигли ашёлар билан боғлиқ жами 861 та жиноят содир этилган.

Иккинчидан, амалдаги қонунчиликда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят содир этган шахсларнинг ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқидан маълум муддатга маҳрум этиш механизми мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, ҳимоя ордери берилган ҳамда оилавий (маиший) зўравонликка учраган жабрланувчи-

рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркологи диспансерлари таркибига тузилади-ган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилмоқда. Бундай амалиёт, ўз навбатида, бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Масалан, Мўйноқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро наркологик касалликка чалинганлигини аниқлаш учун

вомида такроран содир этганлиги учун маъмурий жавобгарлик, хусусан, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Иккинчидан, Жиноят кодексининг 126'-моддаси тўртинчи – саккизинчи қисмларида кўзда тутилган оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида рухсатнома бермаслик, шу билан бирга, агар ҳуқуқбузарда ўқотар қурол мавжуд бўлса, балки бир йил давомида бир марта маъмурий жавобгарликка тортиш эмас, балки бир йил давомида бир марта маъмурий жавобгарликка тортилганлик асос бўлиши белгиланмоқда.

Тўртинчидан, шахсни мажбурий даволанишга муҳтож деб топиш ваколатини олиш ҳудудларда ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссияларга ҳам бериш, шунингдек, наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссияси тузиладиган олиш ҳудудлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши келгусида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича жойларда профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Яъни 2009 йил апрель-май ойларида ушбу постда ишламаган. Бу ҳолат ҳам айбоннинг ноқонуний эканлигини кўрсатади.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 28-моддасида **“Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари туяган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳжумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”**, дея қайд этилган.

Ана шу ва бошқа ҳуқуқий асосларга таянган Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги ҳукмини бекор қилиб, Алишер Абдуллаевни айбсиз деб топди ва оқлади.

Суд ҳукмида оқланувчига ўзига етказилган мулк, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, А.Абдуллаев сингари муқаддам ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланиши давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарасидир. Пировардида “Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили ҳаётда ўз ифодасини топиб, ҳамюртларимизнинг одил судловга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Феруза СИДДИҚОВА,
Фарғона вилояти суди судьяси

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

